


V. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Хизматлар соҳасида 2021 йил 1 апрель ҳолатига 23,9 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,4 % ни ташкил этди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

**Хизматлар соҳасига таалуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотлар сони, бирликда**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 2021 йил 1 апрель ҳолатига



Маълумот учун: 2021 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 мингтага ортиди. Ушбу соҳада фаолият юритаётган ва кичик бизнес субъектларига тегишли корхоналар ва ташкилотлар сони 3,3 мингтага ортиши кузатилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотларда 126,6 % ни ташкил этди. Уларнинг сони 2,3 мингтага ортди. Шу билан бирга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ўсиш суръати 110,0 % ни ташкил этиб, уларнинг сони 0,2 мингтага кўпайди.

2021 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши, % да
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2021 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида энг юқори улушни савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар 45,7 % ташкил этади.

Яшаш ва овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 7,8 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг мумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 5,6 % га етди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 3,8 % ни ташкил этди.


Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар улуши 2,4 % га тенг бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати
(2021 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан % да</i>
Жами – хизматлар	3 290,5	113,4	100,0
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	150,0	110,9	4,6
молиявий хизматлар	816,4	147,4	24,8
транспорт хизматлари	640,0	102,4	19,5
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизмати	622,0	102,5	18,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	53,3	100,6	1,6
савдо хизматлари	923,3	102,9	28,1
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	90,0	104,7	2,7
таълим соҳасидаги хизматлар	149,9	116,3	4,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	57,4	100,5	1,7
ижара хизматлари	88,8	139,5	2,7
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	67,3	101,4	2,0
шахсий хизматлар	147,3	104,0	4,5
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	28,7	96,4	0,9
бошқа хизматлар	77,8	97,8	2,4

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (28,1 %), молиявий хизматлар (24,8 %), транспорт хизматлари (19,5 %) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (4,6 %) ташкил этади. Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,9 %), шунингдек, яшаш ва овқатланиш каби хизматлар (1,6 %) эгаллади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби,
(2021 йил январь-март, жамига нисбатан % да)**



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 28,1 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улуш 86,0 % ни ташкил этади.



2016-2021 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури”ни амалга ошириш натижасида молиявий хизматлар – 147,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 116,3 % , алоқа ва ахборотлаштириш – 110,9 % ва транспорт хизматлари –102,4 % кўрсаткич билан юқори ўсиш суръатларига эришилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган
бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



Республикада кредит сиёсати бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг давом эттирилиши молиявий хизматларнинг ўсишига имконият яратди. 2021 йилнинг январь-март ойларида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 47,4 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, энг юқори ўсиш суръатлари ижара хизматлари (39,5 %), таълим соҳасидаги хизматлар (16,3 %), алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар (10,9 %) ва транспорт хизматларида (2,4 %) қайд этилди.

Хизматлар таркибида савдо хизматлари – 28,1 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Савдо хизматлари ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Хизматлар таркибида транспорт хизматларининг жами ҳажмга нисбатан улуши 19,5 % кўрсаткичга эга.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар яшаш ва овқатланиш соҳасидаги хизматлар (1,6 %) шунингдек, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,9 %) га тўғри келган.

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан %	жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши	минг сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан %
Андижон вилояти	3 290,5	113,4	100,0	1 030,1	111,3
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	1 650,4	118,5	50,2	3 661,1	115,1
Ҳонобод	85,2	104,9	2,6	1 971,9	102,2
<i>туманлар:</i>					
Андижон	151,5	110,0	4,6	565,7	106,4
Асака	180,6	112,5	5,5	541,9	108,9
Балиқчи	127,8	109,0	3,9	628,0	105,8
Бўстон	49,5	103,7	1,5	675,7	100,6
Булоқбоши	96,3	105,8	2,8	646,6	102,7
Жалақудук	97,1	105,2	3,0	515,9	102,4
Избоскан	126,5	109,6	3,8	523,6	106,1
Улуғнор	52,2	103,2	1,6	861,6	100,0
Марҳамат	100,7	109,3	3,1	574,0	106,2
Олтинкўл	109,4	106,6	3,3	604,3	102,9
Пахтаобод	101,2	109,5	3,1	516,4	106,1
Хўжаобод	75,2	107,1	2,3	672,2	103,7
Шаҳрихон	165,2	112,1	5,0	542,9	108,5
Кўрғонтепа	124,4	111,0	3,8	568,9	108,0

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Андижон шаҳри (118,5 %) га тўғри келди.


Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 50,0 % дан ортиғи Андижон шаҳри (50,2 %), Асака тумани (5,5 %), Шаҳрихон тумани (5,0 %) ва Андижон (4,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Нисбатан паст ўсиш суръатлари Улуғнор тумани (103,2 %), Бўстон тумани (103,7 %), Хонобод шаҳри (104,9 %), Жалакудук (105,2 %), Булоқбоши (105,8 %) ва Олтиқўл (106,6 %) туманларида кузатилди.

2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1 030,1 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 11,3 % ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар ўртасида Андижон шаҳрида 3 661,1 минг сўмдан Жалакудук туманида 515,9 минг сўмгача ораликни ташкил этади.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2021 йил январь-март ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳрида – 3 661,1 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,1 % ни ташкил этди.

Бундан ташқари, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли ўсиши Асака (108,9 %), Шаҳрихон (108,5 %) ва Қўрғонтепа (108,0 %), Андижон (106,4 %) туманларида кузатилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи, Жалакудук (515,9 минг сўм), Пахтабод (516,4 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни кондириниш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.